

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ, ЎЗБЕКИСТОНДА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Гулчехра АШУРОВА

Ўзбекистон Республикаси Президент ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги бош инспектори

Аннотация: Ушбу мақолада жамоатчилик фикрини тадқиқ қилиш босқичлари, ушбу институтнинг аҳамияти, давлат хизмати самарадорлигини оширишдаги роли, Ўзбекистонда шаклланиш босқичлари, норматив-ҳуқуқий базаси ва бугунги кундаги ҳолати таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Жамоатчилик назорати, жамоатчилик фикри, data.gov.uz, my.gov.uz, regulation.gov.uz, d.xarid.uz, жамоатчилик эшитувлари, жамоатчилик мониторинги, ОАВ, ижтимоий фикр, жамоатчилик кенгаши, очиқлик, ҳисобдорлик, ижтимоий тармоқ

Кириш

Бугун Ўзбекистон ислохотлар даврида. Бундай шароитда мамлакатда жамоатчилик назорати шакллари, таъсирчан механизмлари, фуқароларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги фаол иштироки жуда муҳим. Айнан жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Жамоатчилик фикри ўрганилмаган ёки жамоатчилик назорати етарли даражада кучга эга бўлмаган мамлакатда фуқаролик жамияти шаклланиши ҳам қийин кечади. Шунинг учун мамлакатимиз Конституциясида жамоатчилик назоратининг мамлакатимиз фуқаролари давлат бошқарувида иштирок этишларининг муҳим воситаси экани эътироф этилмоқда¹

Мақоламиз аввалида жамоатчилик фикрининг ривожланиш босқичлари ҳақида қисқача тўхталамиз. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги мулоқот турли давлатларда турлича бўлган. Ривожланган демократик давлатларда жамоатчилик фикри давлат сиёсатининг асосий йўналишларини шакллантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилиб келди. Аксарият мамлакатларда “жамоатчилик кенгаши” институтлари давлат ёки жамоатчилик ташаббуси билан норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида ташкил этилади. Мазкур кенгашларга муайян ваколатлар берилади ва давлат бошқарув органлари фаолиятини амалга оширишда улардан маслаҳат олишади.

Жамоатчилик кенгашлари XX асрнинг бошларида у ёки бу шаклда вужудга кела бошлаб, жамоатчилик ташаббусларини ифода этиш, давлат бошқарувини амалга оширишга таъсир кўрсатишга ҳаракат қилишган.

Россия Федерациясида Бесланда юз берган фожиали ҳодисалардан кейин Жамоатчилик палатасини ташкил этиш заруриятини ошириб юборди. Россия Федерацияси «Жамоатчилик палатаси тўғрисида»ги федерал қонуни Россия кенг жамоатчилигини давлат сиёсатини амалга оширишда иштирокини таъминлаш мақсадида қабул қилинди. Шунингдек, аксарият ғарб давлатларида жамоатчиликнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиш анъаналарининг шиддатлашуви билан жамоатчилик назорати институти шаклланди.

Инглиз тилидаги адабиётларда мазкур категория “public advocacy”, “public watch” сифатида юритилади. АҚШда ҳокимияти устидан жамоатчилик назорати фуқаролик жамияти институтлари ташкил этилиши ва амалга оширилиши билан бирга ривожланиб борди. АҚШ да XIX аср охири ва XX аср бошларида ривожланган жамоатчилик фикри

¹ Ш.Якубов. Жамоатчилик назоратининг конституциявий-ҳуқуқий асослари. –Тошкент: Ўқув қўлланма, ТДЮУ, 2021.

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

1-MART

ANDIJON, 2024

модели консенсус демократия лойиҳасининг ривожланиш омили бўлди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат ва фуқаролар ўртасида ўзига хос кўприк сифатида оммавий сиёсатни шакллантириш, давлат сиёсатида муносабат билдириш каби фаолиятни амалга оширади. Германияда жамоатчилик назорати жамиятдаги консенсуснинг ҳал қилувчи омили сифатида нафақат фуқаролик жамияти институтлари томонидан, балки парламент ва судлар томонидан ҳокимиятга нисбатан амалга оширилади. Фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан ОАВ давлат хизматчиларининг коррупцион ҳаракатларини назорат қилади.

Жамоатчилик назорати таъсирчанлиги, самарадорлигини оширишда яна бир муҳим омил, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ҳисобланади. Очиқлик, ошкоралик бўлмаган жойда давлат органлари ва мансабдорларнинг жамоатчилик олдида ҳисобдорлигини таъминлаш ёки жамоатчилик назорати унсурларини амалга ошириб бўлмайди.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда ҳам амалдорларнинг фуқаролар билан очик мулоқотга киришиши анъанага айланди. Қолаверса, ахборот коммуникация-технологияларининг шиддатли ривожланиши, уларни амалда қўллашнинг янги-янги ва ўзига хос шакллари пайдо бўлиши ҳамда аҳоли томонидан улардан фойдаланиш имкониятларининг кенгайиб бораётгани жамоатчилик фикрини ўрганишнинг турли шакллари юзага келтирмоқда.

“Агар глобал нуқтаи назардан қаралса, бугун башарият жаҳон иқтисодиёти тармоқлари, инсонлар ҳаёти, турмуш асослари ўзгариши билан боғлиқ қизиқ даврни бошдан кечирмоқда. Бу барча технологиялар, компьютерлар интернет орқали бир-бири билан боғланиб бораётгани ила изоҳланади. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда қарийб беш миллиард қурилма бутунжаҳон интернет тармоғига уланган. Яқин беш йил ичида уларнинг сони йигирма миллиардга етиши кутилаётир”².

Бугун Ўзбекистонда рақамли технологиялардан кенг фойдаланилган ҳолда data.gov.uz, my.gov.uz, regulation.gov.uz, d.xarid.uz ва бошқа онлайн платформаларда маълумотлар очик эълон қилинмоқда, бу эса давлат идораларининг жамоатчилик олдида ҳисобдорлигини оширмоқда. Ҳар бир вазирлик ва идора маълумотлар очиқлиги фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, ўзининг веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида маълумотларни мунтазам жойлаштириши ва янгилаб бориши амалиёти йўлга қўйилди. Унда ўз фаолиятига оид маълумотлар, ташкилотларнинг бюджет маблағларининг сарфланиши, тендерлар тўғрисидаги эълонлар, бўш иш ўринлари сингари маълумотлар эълон қилиб борилмоқда. Шу ва бошқа ислохотлар натижасида Ўзбекистон «Очиқ маълумотларни кузатиш» халқаро индексида юқорилади.

Шунингдек, қабул қилинган ҳужжатлар ижросини ташкил этишда жамоатчилик иштироки ва назорати кенг йўлга қўйилади. Жумладан, “жамоатчилик эшитувлари” ва “жамоатчилик мониторинги” тизими жорий қилинади. Бу жараёнга фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролар ҳам фаол жалб этилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, айни вақтда 70 дан зиёд давлат идоралари ҳузурида Жамоатчилик кенгашлари ўз фаолиятини бошлади. Давлат идоралари фаолиятида шаффофлик ва ҳисобдорликни ривожлантиришдан биринчи галда жамоатчиликнинг ўзи манфаатдор ҳисобланади. Шундай экан, давлат органларида очиқлик ва ошкораликни ҳамда уларнинг халқ олдидаги ҳисобдорликни таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари фаол позицияда бўлиши керак.

Бугун Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тизимли ривожлантиришга оид амалий ислохотлар тадрижий давом эттирилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида»

² Умаров О. Рақамли технологиялар инновациялар ривожига кенг йўл очади. <http://xs.uz>

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

1-MART

ANDIJON, 2024

қонуни, Ўзбекистан Республикасининг Президентининг «Давлат органлари хузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори қабул қилинди. “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази фаолияти ташкил этилган. 2021 йил 16 июнь «Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони эълон қилинди ва қатор чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Бугун Ўзбекистан ҳукумати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фуқаролар ва жамоатчилик билан алоқаларини тубдан яхшилаш, улар фаолиятини очиқ, шаффоф ва ошқора ташкил этишни устувор йўналишларидан бири сифатида қайд этган.

Ўзбекистан Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”, деган концептуал ғоявий ташаббуси 2016 йилдан сўнг бошланган давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, давлат хизматлари сифати ҳамда самарасини ошириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтиришнинг асосий стратегик йўналишларини белгилаб берди.

Сўнгги йилларда турли давлат органлари ходимлари фаолиятини ижтимоий тармоқлар орқали кенг муҳокама қилиш, улар ҳаракатларининг қонунийлиги юзасидан муносабатлар билдириш ҳолатлари кузатилмоқда. Ёки айрим мансабдор шахсларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатлари ижтимоий тармоқлар орқали кенг тарқалиб, катта баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Аҳоли бунга давлат органларининг расмий муносабатини талаб қилмоқда. Ўз навбатида, давлат органларининг масъуллари ҳам жамоатчилик назорати субъектларининг қонуний талабларини бажаришга, тегишли чора-тадбирларни кўришга, оммавий ахборот воситалари орқали чиқиб, тегишли ҳолат юзасидан тушунтиришлар, баёнотлар беришга мослашиб бормоқда. Баъзи ҳолатларда давлат органларининг сўровларга жавоблари ҳали-ҳануз эскича услуб ва “қолип”лар асосида тайёрланиб, уларни имкон қадар ошқора қилмасдан тақдим этиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Жамоатчилик назорати давлат назоратидан фарқли равишда асосий мақсади, қимнидир жазолаш эмас, балки қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, дастурларда жамоатчилик манфаатлари, фикрини ҳисобга олдириб, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари, жамият манфаатларининг ҳимоясини, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни, давлат хизматларини самарали кўрсатилишини таъминлаш ҳисобланади. Қайсики, давлат органи бу жараёнларга жиддий эътибор қаратаётган, жамоатчилик фикрига тезкор муносабат билдираётган, фуқаролар билан ишлашда замонавий ёндашувлардан самарали фойдаланаётган бўлса, аҳоли ўртасида уларнинг нуфузи ортиб бормоқда.

Хорижий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда давлат органлари очиқлиги ва ҳисобдорлигини таъминлашда самарали воситалардан бири давлат ҳокимияти органлари устидан кучли жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва жамоатчилик фикрини ўрганишдир.

Хулоса

Ҳар қандай демократик давлат — шахсий манфаат, шахслар ва тузилмаларга хизмат қилишни мақсад қилмаган жамоатчилик фикри орқали жамият ҳаётидаги муаммоларни яқиндан ўрганиш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш имкониятига эга бўлади. Ўзбекистонда ҳам ушбу ривожланаётган механизм эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг, шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги самарали ҳамкорликни ташкил этишнинг муҳим воситаси бўлиб шаклланди. Шунингдек, мазкур

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

1-MART

ANDIJON, 2024

институтнинг давлат органлари ходимлари қонунга риоя этиб, вазифа ва мажбуриятларини масъулият билан адо этишида таъсир доираси юқорилаяпти. Бу халқ ҳокимиятчилиги принципи Конституциямизнинг ҳам асосий принципларидан биридир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ш.Якубов. Жамоатчилик назоратининг конституциявий-ҳуқуқий асослари. –Тошкент: Ўқув қўлланма, ТДЮУ, 2021.
2. Умаров О. Рақамли технологиялар инновациялар ривожига кенг йўл очади. <http://xs.uz>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – 2017. 22 декабрь // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти – www.president.uz.
4. "Science and Education" Scientific Journal / Impact Factor 3,848 (SJIF) February 2023 / Volume 4 Issue 2 www.openscience.uz / ISSN 2181-0842 1306
4. <https://lex.uz/docs/3679092>
5. Миракулов М. Жамоатчилик назорати: давлат органлари ходимларининг қонунга риоя этиши, вазифасига масъулият билан ёндашишини таъминлайди. <https://www.uza.uz>
6. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.06.2021 й., 06/21/6247/0563-сон. <https://lex.uz>.